

ЖАМИЯТДА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Асқаров

Наманган давлат университети тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7152397>

Аннотация: Мақолада учинчи ренессанс шароитида жамиятда иқтисодий тафаккурини ривожлантиришнинг омиллари ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада ёшларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантиришга доир назарий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, ренессанс, фуқаролик жамияти, тафаккур, иқтисодий фаолият, назария, ислоҳот, бозор.

Ўзбекистонда хилма-хил мулкчилик негизида ривожланаётган саноат ишлаб чиқариши, ҳеч шубҳасиз, келгусида ёшларимиз иқтисодий тафаккурининг асосий моддий заминларидан бири бўлиб хизмат қилади. Унинг ўрни, биринчидан, мамлакатимизнинг табиий ресурсларга бой имкониятларини рўёбга чиқариш, яъни уларни замонавий технологияларни қўллаш асосида ўзлаштириб, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада баланд чўққиларга кўтаришда; иккинчидан, ишлаб чиқариш соҳаларининг барча тармоқларини техник жиҳатдан мукамал асбоб-ускуналар ва турли хил дастгоҳлар билан таъминлашда; учинчидан, халқнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда; тўртинчидан, жаҳон бозорларини, хусусан, янгидан шаклланаётган иқтисодий маконларни эгаллашга хизмат қилувчи янгидан-янги товарлар яратишида; қолаверса, бешинчидан, моддий табиий ресурсларни ўзлаштиришнинг янги технологик ишланмаларини амалиётда қўллаш асосида мамлакатимиз ҳудудида замонавий “технополис”ларни вужудга келтиришида намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган ёшлар ва ёш тадбиркорлар жамиятимиз ривожидида тутган ўрнини: 1) мамлакатимизда мавжуд бўлган табиий моддий бойликларнинг соҳиби сифатида унинг ўзи ҳам моддийлашиб, яъни бойиб, моддий кучга айланиб бораётганлигида; 2) ишлаб чиқаришда илғор технологиялардан фойдаланиш эвазига катта даромад олиб, ташаббускорлик, тадбиркорлик, тежамкорлик билан иш юритиб, халқимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтираётганида; 3) хорижий сармоядорлар билан шерикчилик асосида фойдаланган ҳолда

товарларнинг замонавий турларини ишлаб чиқариб, ўзга давлатларга экспорт қилиш орқали халқаро иқтисодий муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланаётганида; 4) халқнинг моддий ва маънавий фаровонлигини кўзлаб, аҳолининг ночор қатламларини моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларида фаол иштирок этаётганида кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ёш авлоднинг иқтисодий тафаккурини шакллантириш ўз тарихий илдизлари, фалсафий асослари, моддий ва маънавий заминларига эга. Уларнинг барчаси биринчи манба, асос, негиз ҳисобланса-да, аммо иқтисодий тафаккурнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни, моҳияти, вазифаларини кўрсатиб беролмайди. Бунга фақат уни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи объектив ва субъектив омиллар диалектикасини билгандан сўнг эришиш мумкин.

Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришнинг объектив ва субъектив омилларини макон ва замондаги ўрнига кўра – мамлакат ташқариси ёки ичкарасида мавжуд бўлган, хусусиятларига кўра эса ижобий ёки салбий таъсир этувчи турларга ажратиш мумкин. Ўзбекистондан ташқарида мавжуд бўлган ҳолда ёшларимиз иқтисодий тафаккурининг шаклланишида муҳим роль ўйнайдиган объектив омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) халқаро меҳнат тақсимоти; 2) халқаро савдо-сотиқ; 3) глобал муаммолар.

Халқаро меҳнат тақсимоти – меҳнат аҳлининг ўзига хос устувор аҳамиятга эга бўлган махсус иш амалларини бажариш эвазига ҳосил бўладиган ижтимоий меҳнатнинг миқдор ва сифат жиҳатидан турли давлатлар ёки давлатлар гуруҳи ўртасида иқтисодий нафни кўзлаган ҳолда маълум нисбатда тақсимланиб бориши жараёнидир. Халқаро меҳнат тақсимотини ўзбек олимлари Р. Х. Шодиев ва Э. Р. Маҳмудов[1], рус олимлари Т. В. Юрьева ва В. Е. Рибалкина[2] қуйидаги учта турга ажратадилар:

1) умумий турдаги халқаро меҳнат тақсимоти (мамлакатларни индустриал, аграр, хом ашё етказиб берувчи каби умумий ихтисос соҳаларига ажратиш);

2) хусусий турдаги халқаро меҳнат тақсимоти (тармоқ ичидаги ихтисос соҳалари – машинасозлик, металлургия, электротехника, автомобилсозлик, ғаллачилик, чорвачилик, пахтачилик ва бошқалар);

3) алоҳида турдаги халқаро меҳнат тақсимоти (алоҳида деталлар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ва ҳ.к.).

Биз ҳам халқаро меҳнат тақсимотини ана шундай турларга ажратиб ўрганишни маъқуллаймиз.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ёш тадбиркорларимиз иқтисодий тафаккурини шакллантиришдаги ўрнини қуйидаги мисол орқали ифодалашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Халқаро меҳнат тақсимотида юз бераётган жараёнлар объектив омил сифатида Ўзбекистон давлатининг, хусусан мамлакатимиз ёш тадбиркор ва ишбилармонларининг бирон маҳсулот турини жаҳон стандартлари даражасида тайёрлаб, уни ишлаб чиқаришга ихтисослашишига жиддий тўсқинлик қилаётганлари йўқ. Аксинча, ундан манфаатдор бўлган халқаро меҳнат тақсимотининг субъектлари бўлмиш ёш мулкдорлар талайгина. Халқаро савдо-сотиқ – турли мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимоти асосида ривожланиб борадиган товар айирбошлаш ва хизматлар кўрсатишдан иборат барқарор олди-сотди муносабатларидир. Аҳолининг республикамиз ёш тадбиркор ва мулкдорларининг халқаро савдо-сотиқда қатнашиш ҳуқуқларини қай даражада билишларини аниқлаш мақсадида Наманган вилоят шаҳар ва туманларида ёш тадбиркор ва ишбилармонлари ўртасида ўтказган социологик сўровномамизнинг “Мулк эгаси хорижлик тадбиркорлар билан мустақил иқтисодий алоқалар ўрнатишга ҳуқуқи борми?” деган саволимизга респондентларнинг 82 % – “Ҳа”, 8 % – “Йўқ”, 10 % – “Билмайман” деб жавоб берди. Демак, мамлакатимиз ёшларининг кўпчилиги мулк эгаси бошқа давлат тадбиркорлари билан мустақил равишда ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш борасида ҳуқуқлари борлигидан хабардор ва уларнинг шу асосда ташқи иқтисодий фаолият юритишларига хайрихоҳдир.

Ёш тадбиркорлар иқтисодий тафаккурини ўстириш ва янада ривожлантиришда қўлланиладиган усул ва воситаларни билиш, уларни амалда қўллай олиш айтиш вақтда ёшларнинг иқтисодий онгига таъсир этиш воситаларининг самарадорлигини ўлчаш мезонларини ҳам ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бундай мезонларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– иқтисодий билимларни ўзлаштирганлик, малака ва кўникмаларни ҳосил қилганлик, иқтисодий тафаккурининг ривожланганлик даражаси;

– иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бозор иқтисодиёти қўяётган уддабурон, тадбиркор, тежамкор, эркин, ташаббускор,

ишбилармон мулкдор шахсни шакллантириш вазифаларига қанчалик мос келаётганлиги;

– хорижлик ёш мулкдорлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлиги, ушбу ҳамкорликдан олинаётган даромаднинг миқдори;

– ажратилган инвестициялар қанчалик ўзлаштирилгани;

– янги техника ва технологиялардан фойдалана билишлари;

– рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариб, иқтисодий жараёнларда эгаллаган ўрни.

Мамлакатимиз ёшларининг иқтисодий тафаккурини тобора ўстиришда қўлланиладиган усул ва воситалар, уларнинг самарадорлигини ўлчаш мезонлари жамиятимизда бўлаётган туб ўзгаришлар, унинг у ёки бу соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг йўналишига қараб ўзгариб, кенгайиб, такомиллашиб боради. Ушбу усул ва воситаларнинг иқтисодий тафаккурни шакллантириш, ўстиришдаги ўрнини мутлақлаштириб бўлмайди. Улар маъно-мазмунига кўра кўп қиррали, ҳар томонлама таъсир қилиш кучига эга бўлган илмий-фалсафий дунёқарашни шакллантириш усул ва воситаларининг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Шодиев Р. Х. Жаҳон иқтисодиёти / Р. Х. Шодиев, Э. Р. Маҳмудов. – Т.: Ғафур Ғулом, 2005. – Б. 10.
2. Юрьева Т. В. Макроэкономика / Т. В. Юрьева, В. Е. Рыбалкина. – М.: Экономика, 2004. – Б. 144;